

**ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИНИ ШАКЛАНТИРИШДА ИЛҒОР  
ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА УНИ ЎЗБЕКИСТОНДА ҚЎЛЛАШ  
МАСАЛАСИ**

**Сулаймонов Махмуджон Шухратбекович**

*Андижон давлат педагогика институти эркин изланувчиси.*

**Аннотация:** Россия Федерациясида салкам 1 миллионлик ижтимоий қатламнинг кайфияти, фуқаролик позициясининг фаол равишда намоён қилиши давлатнинг экзистенциал таҳдидни бартараф қилишига таъсир кўрсатадиган масалалардан биридир. Тезисда фуқаролик позициясини шакллантиришда илғор хорижий тажриба ва уни Ўзбекистонда қўллаш масаласи баён этилган.

**Калим сўзлар:** фуқаролик позициясини шакллантириши, Россия Федерацияси, демократик қадриятлар, ҳарбий-ватанпарварлик, ижтимоий барқарорлик.

Талабалар ҳаракати ҳар қандай давлатда ҳам ижтимоий барқарорликни сақлашнинг энг муҳим йўналиши ҳисобланади. Россия Федерациясида талабалар сони 816, 3 минг кишини ташкил этади. 150 млн аҳоли сонига нисбатан бу кўрчатки 1 фоизга ҳам бормайди. Ўзбекистонда эса 1,3 млн киши олий таълим муассасаларида ўқиёди ва бу кўрсаткич Россия аҳоли сонига нисбатан 3 баробар кўп. Шундай экан, Россия Федерациясида фуқаролик позициясини шакллантириш ва ривожлантиришга доир илғор тажрибани қўллаш мамлакатимизда бир неча бор истиқболли бўлиши юқоридаги рақамлардан ҳам кўриниб турибди. Россия Федерацияси миллий суверенитетни таъминлаш ва миллий бирдамликни таъминлашда таълим институтининг имкониятидан фойдаланишга катта эътибор қаратмоқда. Шу сабабли 2022 йилдан бошлаб Россия Федерацияси Болонъя келишувидан чиқишини маълум қилди. Таълим тизими жамият сиёсий ҳаётини кейинги ўн

йилликларда қандай бўлишини белгилаб беради. Олий таълим тизимидағи қандай предметларнинг ўқув режалардан жой олгани, таълим муҳити ва жамоат ташкилотлари фаолияти кейинчалик жамият сиёсий тизимиға тўғридан тўғри таъсир кўрсатадиган омиллардан бири бўлиб қолади. Болонъя келишуви ўзида Европанинг демократик қадриятлари, ана шу жойнинг иқтисодиёти ва шу жумладан меҳнат бозорига йўналтирилган тузилмадир. Россия Федерацияси эса ҳозирги шароитда глобал Ғарб билан ниҳоятда кескин қарама қаршилик, айрим экспертларнинг фикрича уруш ҳолатида бўлиб турибди. Шунинг учун ҳам оппонентларнинг мафкуравий ва маданий қадриятларини мамлакатда ёйилишидан манфаатдор эмас. Юқоридаги чоралар превентив хусусиятга эга бўлиб, келгусида юз бериши мумкин бўлган мафкуравий қарама-қаршиликни олдини олишга қаратилган. Россия Федерациясида салкам 1 миллионлик ижтимоий қатламнинг кайфияти, фуқаролик позициясининг фаол равишда намоён қилиши давлатнинг экзистециал таҳдидни бартараф қилишга таъсир кўрсатадиган масалалардан биридир. Ушбу давлат таълим вазирлиги маълум қилишича, Россия Федерацияси фуқароларнининг ватанпарварлик рухида тарбиялаш бўйича федераль лойиҳаси 2021 йилнинг бошида қабул қилинган бўлиб, унга асосан ўтган давр давомида 24 фоиз фуқаролар лойиҳага тортилган, Россия Федерациясининг тарихи бўйича мамлакат ичида ва чет элда 150 дан ортиқ тадбирлар ташкил этган, 2 млнга яқин “Катта ўзгариш” Бутун Россия танлови, 1,75 млн болалар эса болалар-ўсмирларнинг “Юнармия” ҳаракатида иштирок этган. Ана шу лойиҳа доирасида талабалар учун “Мен фахрланаман” деб номланган ватанпарварлик клублари ассоциацияси ташкил этиш белгиланган.

## 1-расм



**Талабаларнинг “Мен фахрланаман” ватанпарварлик клублари ассоциацияси лойиҳаларининг асосий йўналишлари.**

Ассоциянинг асосий вазифалари сифатида қуидагилар белгиланган:

- мамлакатда ватанпарвар инсон образининг жозибадорлиги ва талабгорлигини ошириш;
- олий таълим муассасаларида ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясига ягона ёндашувни ташкил қилиш;
- олий таълим муассасаларидаги ватанпарапарлик клубларининг тизимли ривожланишини таъминлаш;
- университетлардаги талабалар уюшмалари мувофиқлаштириш орқали академик гурухларнинг жамоатчилик ҳаётида иштирок этишини таъминлаш;
- ватанпарварлик ҳаракатлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш.

Юқоридаги йўналишларда ташкил этиладиган ишлар талабаларнинг фуқаролик позициясини ривожлантиришга хизмат қиласди. Бу Россия Федерациясининг 2022 йилдан кейин бошланган ҳарбий ҳаракатлар шароитида ички низоларни олдини олишга хизмат қилди. Ташқи душманлар эмас, мамлакат ичкарисидаги қарама-қаршилик, фуқаролик позицияси билан боғлиқ муаммолар бу давлат тарихида жуда катта катализмаларни келтириб чиқарган. Талабалар ўртасида фуқаролик позициясини қучайтириш билан боғлиқ тадбирлар сирасига “Биринчилар ҳаракати” ҳам киради. Россия Федерацияси Украинага бошлаган урушнинг иккинчи ойида ёшлар фаоли Диана Красовскаянинг президент В.Путинга билдирган таклифи асосида ташкил этилган. 2022 йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтган Россия болалар ва ёшлар ҳаракатининг биринчи сеъзди бўлиб ўтди. Сеъзда иштирок этган делегатлар 11 та умумий қадриятларни тасдиқлади. Қадриятлар сирасига қуидагилар киради: ҳаёт ва қадр-қиммат, ватанпарварлик, дўстлик, яхшилик ва адолат, орзу қилиш, ижодий иш, ўзаро ёрдам ва ўзаро ҳурмат, Россия халқларининг бирлиги, тарихий хотира, Ватанга хизмат қилиш, мустаҳкам оила. 5 та миссия – “Россия билан бирга бўлиш”, “Инсон бўлиш”. “Ҳамжиҳат бўлиш”, “Ҳаракатда бўлиш” ҳамда “Биринчи бўлиш”. 2022 йилнинг 14

июлида Россия давлат раҳбари томонидан юқоридаги каби ҳаракатларни фаолиятининг ҳуқуқий асоси бўлган “Россия болалар ва ёшларнинг ҳаракати тўғрисида”ги қонунни имзолади. Умуман олиб қараганда ушбу ҳаракат СССР давлатидаги октябрятлар, пионерлар ва комсомоллар ҳаракатининг ўрнини компесация қилиши керак бўлади. Шу сабабли ҳам ҳозирги кунда ушбу ҳаракатнинг маълум ёшдаги иштирокчилари пионерлар деб аталиши белгиланди. Чунки, пионер тушунчasi коммунистик мафкура билан боғлиқ бўлмаган АҚШдан кириб келган тушунча ҳисобланади. Умуман олиб қараганда Россия Федерацияси қисқа муддатда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришнинг замонавий тизимини яратади. Бу эса мамлакатдаги мураккаб вазиятда ижтимоий барқарорликни таъминлаш омили бўлиб қолмоқда.

## АДАБИЁТЛАР

- 1.[https://www.nstu.ru/studies/youth\\_policy/vr/iproud](https://www.nstu.ru/studies/youth_policy/vr/iproud) - Ассоциация студенческих патриотических клубов «Я горжусь».
- 2.<https://xn--90acaghgpc7c8c7f.xn--p1ai/#block-chronology> - движение первых.
- 3.<https://tass.ru/info/19844483> - История Российского движения детей и молодежи "Движение первых".
- 4.<http://publication.pravo.gov.ru/Document/View/0001202207140025?ysclid=l9e4azy8re554739186&index=1> – Федеральный закон О российском движении детей и молодёжи.